Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 24 август, сешанба • № 99 (25.493).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикасининг 8 йиллик байрами муносабати билан ўзбек халқига табрик

Узоқ ер ва яқин диллардан ҳур мустақил Ўзбекистон демократик давлатининг 8 йиллик байрамини жон ва кўнгилдан муборакбод этамиз.

Бу мустақиллик байрамини Ҳақ Субҳано ва Таоло Ўзбекистон халқи учун абадий, мангу қилсин. Омин баҳурмати Саиди алъ-мурсалийн.

Пок отадан бўлган ўзбек халқи учун мустақилликдан сўнг олинган ҳар бир нафас бир умрга тенгдур. Оллоҳ Таоло ўзбек халқини бу Мустақиллик неъматидан жудо қилмасин! Бу буюк ва бебаҳо туҳфани Ўзбекистон халқига олиб келган ҳурматли Ислом Каримов жанобларининг умрлари узоқ, йўллари очиқ, душманлари сарнугун бўлсин.

Яшасин 8 йиллик Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрами ва Ўзбекистон халқи ва унинг юртбошиси!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу.

Саудия Арабистонида яшовчи ватандошлар:
Тўрахон Тўра, Мелибек, Мўминжон, Аҳмадали, Абдулҳамид Маҳдум, Олимжон, Абдураҳмон Хўжа, Ҳуршидбек номларидан эҳтиром билан Сафохон Тўра

Саудия Арабистони,
Жидда шаҳри

Замонавий коллежга айланди

Ғиждувон шаҳрида 5-касб-ҳунар коллежи қайта таъмирланиб, фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Бу ерда 600 нафар ўқувчи янги ўқув йилини бошлаши учун барча қулайликлар яратилган. 100 ўринли ётоқхона, спорт мажмуи ёшларга мунтазир.

— Қурилиш ва таъмирлаш ишларини ўрнига қўйишда, — дейди туман ҳокимининг муовини Жамшид Мансуров, — 2-«Бухорожамоақурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти уюшмаси тизимидаги 203, 206-кўчма механизациялашган жамламалари ғайрат кўрсатишди. Коллеж қурилишида 2 миллион 380 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бир сўз билан айтганда қурилиш ва коммунал хизмати ходимларини тайёрлаш маскани ҳавас қилгудек манзара касб этди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тўй болаларга сарполар

Байрам арафасида Навбаҳор тумани ҳокимлиги ўзига хос тадбир уюштирди. «Ўзбекистон» оромгоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 35 нафарининг қўли ҳалолланиб, ҳатна тўйи ўтказилди. Кичкинтойларга бош-оёқ сарполар инъом этилди. Ҳар қайси тўй бола ҳисобига минг сўмдан омонат дафтарчалари очилди. Туман ҳокими Ғ. Облоқулов болакайларга байрамона совғасаломлар улашди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши

Измит зилзиласи оқибатларини бартараф этиш бўйича қутқарув ишларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилар отряди икки ҳафта муддатга махсус асбоб-ускуналар ва анжомлар билан Измит шаҳри (Туркия Республикаси)га юборилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитаси зарур чиқиш ҳужжатлари ва илова қилинадиган ҳужжатларнинг божхона йиғимлари ва бож ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласинлар.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қутқарувчилар ва улар билан бирга жўнатиладиган асбоб-ускуналар ва анжомларни Тошкент-Истанбул-Тошкент йўналиши бўйича махсус рейс билан етказиб берсин, хизмат кўрсатиш харажатларини компаниянинг асосий фаолиятига киритсин.

4. Қуйидагилар:

Қизил Ярим Ой жамияти Миллий кенгашининг мурувват ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги;

жабр кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича Туркия Ишчи Банкининг Болғот бўлимидаги махсус ҳисоб рақамига умумий суммаси 200 минг АҚШ доллари, шу жумладан: «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан — 100 минг АҚШ доллари ва «Ўзавтосаноат» уюшмаси томонидан — 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларини ўтказиш тўғрисидаги;

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асака» банкининг қутқарувчилар отрядининг ишларни олиб бориш давридаги хорижий валютадаги харажатларни кўрсатиб ўтилган банклар маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 август.

Тест — таълим тизимидаги барометр

Мамлакатимизда олий ўқув юртларига қабул қилиш имтиҳонлари тест синовлари билан алмашганига ҳам етти йил бўлди. Ушбу вақт давомида тест тизими иқтидорли, заковатли ёшларни саралаб ишда ўзига хос тарозу вазифасини ўтаб келаяпти. Ҳар йилгидек бу йил ҳам 1-11 август кунлари олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш учун тест синовлари бўлиб ўтди ва кечаги ҳафтада унинг натижалари мамлакат миқёсида эълон қилинди. Шу муносабат билан «Туркистон-пресс» мухбири республика Давлат Тест Маркази директори Муҳсин Муҳиддинов билан суҳбатда бўлди.

— Бу йилги тест натижалари ўқувчиларнинг билим савиясини қандай кўрсатмоқда?

— Аввало, ўтган ва шу йилги ўртача балларни таққосласак, ўтган йилда ўртача балл 108 бўлган бўлса, бу йил 102 баллни ташкил қилди. Бу абитуриентлар билим савиясининг пасайиб кетганлигини кўрсатмайди. Аксинча, уларнинг тест синовларига пухта тайёргарлигидан далолат беради. Чунки, бу йилги тест синовлари тубдан ўзгартирилди ва янгидан-янги қўшимча саволлар киритилди. Бу йилги қабул мавсуми жараёнида олий ўқув юртларига республика бўйича 195000 абитуриент ҳужжат топширди. Ҳужжатлар сонининг кўплигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бундай юқори кўрсаткич нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, балки бошқа хорижий мамлакатларда ҳам камдан-кам учрайди. Бу нимадан далолат беради? Аввало, мазкур жараён ёшларнинг илм-маърифатга қизиқиши, тест синовларига бўлган ишончнинг ортиши, давлатимиз томонидан илм-фанга қаратилаётган эътиборнинг маҳсулидир.

Бундан ташқари, бу йилги натижалар бўйича техника соҳасида 126, табиий фанларда 123, ижтимоий-гуманитар фанларда 151, иқтисодиёт соҳасида 169 рақами ўртача кириш балли ҳисобланди. Бу йилги абитуриентларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Уларнинг бир қисми аввалги йилларда тест синовларидан ўта олмасаларда, бу йил яна ҳужжат топширганлар. Кундузги бўлимга 145000 та ариза тушган бўлса, бундан 53000 тасини ана шундай иродали, қатъиятли абитуриентлар ташкил қилади. Мактабни 1999 йилда тамомлаганлар ўртача 102 балл олган бўлса, уларнинг ўртача тўплаган баллари 108га чиқди.

— Ахборотномадаги саволлар ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бориши абитуриентларга қийинчилик туғдирмайдими?

— Ахборотномадаги саволларнинг барчаси ўрта мактаб дарсликлари доирасида тузилган. Йилдан-йилга саволлар ҳажми кўпайди-ю, бироқ уларнинг ечилиш услуби, таҳлил ва талқини ўзгармайди. Қолаверса, ахборотномадаги саволлар ҳажмининг кўпайиши ўқувчиларнинг дунёқараши, фикрлаш қобилиятининг шаклланишида бевосита хизмат қилади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда ҳам тест саволлар тўплами мунтазам ҳолда чоп этилиб борилади.

— Айни чоғда, кейинги йилларда ахборотномалар билан бир қаторда хуфя йўл билан «шпаргалка»лар ишлаб чиқилиши ҳам тест тизимининг маълум даражада мавқеини тушириб юбормаяптими?

— Ахборотномадаги саволлар ҳажм жиҳатдан анча кенг. Ундаги жавобларни ёдлаш, «шпаргалка»лар тузиш жуда ҳам қийин. Агар, баъзи бир абитуриентларимиз ахборотномалардан «шпаргалка»лар тайёрлашда фойдаланаётган бўлса, бу кўмак уларнинг ўзўзига қилган хиёнатидир. Чунки, ҳар қандай ўсмир илк мустақил ҳаётга қўйган қадамини виждонига зид равишда бундай риёкорона ишни амалга оширишдан бошласа, катта хатога йўл қўяди. Қолаверса, бу сингари ножўя ишларни амалда қўллаш мутлақо мумкин эмас.

Тест синовлари бўйича юз йиллик тажрибага эга Америка Қўшма Штатларида ҳам тест саволлари тўплами доимий равишда чоп этилиб борилади. Энди ахборотномадаги саволлари ўтаётган абитуриентга ўзгаришсиз, айнан ўз ҳолида тушади, деган кафолатни Ўзбекистон Давлат Тест Маркази ҳам, АҚШдаги Принстон Тест хизмати ҳам бермайди.

— ДТМ ташкил этилганига ҳам етти йил бўлди. Ушбу йиллар мобайнида қандай ютуқларга эришилди?

— Аввало, тест синовлари мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тест марказини ташкил этишдан мақсад, таълим соҳасида адолатни тантана қилдириш эди. Тест синовлари ёрдамида мамлакатимиздаги билимли, иқтидорли ёшларни танлаш, пировард натижада эса юксак малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз томонидан буюк мақсад қилиб олинган эди.

Айни пайтда, кўп вариантлилик технологияси усули дастурлари ёрдамида бир неча юз вариантлар ишлаб чиқилмоқда. Кўп вариантлилик тизими ёрдамида шаҳар, туман, мактаб, ҳаттоки, муаян фаннинг ичидаги тармоқларнинг таҳлил этилиши ўқувчиларнинг билим савиясини аниқлаш имконини берди. Тест синовларининг таҳлилий натижалари республикамиз таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг қандай кечаётганлигини аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Масалан, ҳозирги вақтда Бухоро вилояти таълим соҳасидаги барча фанлар бўйича республикамиз миқёсида пешқадам. Ундан кейин Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари туради. Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларининг таълим соҳасида эса оқсашлар мавжуд. Қисқасини айтганда, тест синовларини таълим тизимини аниқлашдаги барометр, деб ҳисобласак муболаға бўлмайди. Айни пайтда, ДТМ ривожланган мамлакатлар билан тест масалалари бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда. Ҳаттоки, АҚШда ҳам кўп вариантлилик тизими амалиётда ўз ифодасини топмаган экан. Шунингдек, тест натижалари уларда биздагидек таҳлилий қараб чиқилмас экан. Бу эса, Давлат Тест Марказининг ютуғи ҳисобланади.

ДТМ абитуриентларни олий ўқув юртига қабул қилиш билангина шуғулланиб қолмасдан, балки талабалик давридаги рейтинг балларини ҳам назорат қилиб бормоқда.

Гулчеҳра ТУЙМАНОВА,
«Туркистон-пресс».

Зилзиладан жабр кўрганлар учун

Ўзбекистон халқи Туркияда юз берган, катта вайронгарчиликларга олиб келган зилзила, бу ҳодиса туфайли кўплаб кишилар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни дарду-алам билан кутиб олди. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон ҳукумати ва халқи ҳамда шахсан ўз номидан Туркия ҳукуматига, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғларига самимий таъзия изҳор этиб, бу ҳалокат оқибатлари тез орада тугатилиши ҳамда турк халқи яна тинч ва осойишта ҳаётга қайтишига ишонч билдирди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ, Тошкент аэропортидан «Ил-76» махсус транспорт самолётида республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 25 кишидан иборат малакали қутқарувчилари Туркияга учиб кетди. Гуруҳ республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг табиий офатлар оқибатларини тугатиш борасида катта тажриба орттирган ҳамда юксак профессионал маҳоратга эга бўлган «Нажоткор» ва «Халоскор» авария-қутқарув отрядлари қутқарувчиларидан иборат. Гуруҳ таркибида шунингдек Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппарати ходимлари, зилзила бўлган жойларда ишлаш учун зарур бир неча мутахассисликларга эга бўлган қутқарувчи-ҳайдовчилар ҳам бор. «Мерседес Бенц — 1222", «Мерседес Бенц — 911» ва «УАЗ — 31519» русумли учта махсус авария-қутқарув автомобиллари ҳам гуруҳ билан бирга жўнатилди. Бу автомобиллар фалокат юз берган ҳар қандай жойда қутқарув ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган замонавий жиҳоз ва анжомларга эга. Бу машиналардаги анжомлар вайронгарчилик ўчоқларида мустақил равишда авария-қутқарув ишларини амалга ошириш, беш тоннадан олтмиш тоннагача оғирликдаги конструкцияларни кўтариб, олиб ташлашга қодир кичик ҳажмдаги пневматик домкратлар, гидравлик асбоблар, электрогидравлик қайчилар, бензоарра, чиғирлардан фойдаланган ҳолда қулаб тушган бинолар тагидан жабрланганларни топиб, қутқариш имконини беради. Мустақил электр таъминоти манбалари мавжудлиги туфайли ишни кеча-кундуз давом эттириш мумкин бўлади. Машиналарда шунингдек биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари ва керакли дори-дармонлар ҳам бор. Барча қутқарувчилар дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини яхши эгаллаган.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Туркияга юборилган авария-қутқарув гуруҳи икки ҳафта мобайнида ташқаридан ёрдам олмаган ҳолда, мустақил равишда ишлаш учун барча зарур нарсалар билан таъминланган. Моддий-техник таъминот қутқарувчиларнинг бемалол жойлашиб, овқатланиб, тиббий ёрдам кўрсатиши ҳамда иш бораётган жойларда ҳам, Тошкентдаги фавқулодда вазиятлар бошқармаси маркази билан ҳам узлуксиз радио-алоқа қилиб туриш имконини беради.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой Миллий жамияти билан келишувга мувофиқ, Туркияга қутқарувчилар гуруҳи билан биргаликда зилзиладан жабр кўрганлар учун кўплаб кўрпа-тўшак ва кийим-кечакдан иборат мурувват юки ҳам жўнатилди.

Бу ёрдамни жўнатиш маросимида Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Алайдин ҳозир бўлди.

(ЎзА).
Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан:

Ўш вилоятининг Боткент туманидаги вазиятга доир

20 август куни ўзбек, тожик, араб, пуштун миллатларига мансуб, шунингдек, ҳозирча миллати номаълум, ўзаро инглиз тилида сўзлашувчи 50 нафарга яқин жангари Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Боткент тумани ҳудудига бостириб кирди.

Тонг саҳарда жангарилар Тожикистон билан яқин чегарадош (4-5 чақирим) бўлган, Олой тизмасининг Қирғизистон ҳудудидан ўтувчи Кўксув дарёси атрофидаги «Абрамов музлиги» яқинида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг Гидрометеорология марказига қарашли метеостанцияга кириб келди. Улар метеостанциянинг 10 нафар ходими ва 5 нафар маҳаллий сайёҳни гаровга олди, уларнинг шахсий ҳужжатлари, пуллари, кийим-бошлари, метеостанцияда мавжуд бўлган озиқ-овқат ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тортиб олиб, ўзларини ҳайдаб юбордилар.

21 август куни жангарилар гуруҳи тоғ даралари орқали тушиб, Қирғизистоннинг Боткент туманидаги Зардоли, Жилисув ва Хўжа Ачкан аҳоли манзилларини эгаллади.

Бундан ташқари, қуролланган гуруҳ Боткент туманининг Олтин Жилға қишлоғида жойлашган геологияқидирув экспедициясига ҳужум қилиб, унинг молмулкини, шу жумладан, иккита «Жип» русумли автомашинасини тортиб олиб, тўрт нафар Япония фуқароси ҳамда таржимонни гаровга олган.

22 августдан 23 августга ўтар кечаси 40 нафарга яқин жангари Боткент туманининг Кон шаҳарчасига ҳужум уюштирган. Жангарилар шу райондаги Олтин Жилға қишлоғини жангарилардан ҳимоя қилишга келган Қирғизистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлари бригадаси қўмондони, генерал А.Шанкеевни ҳам ҳанузгача гаровда ушлаб туришибди.

Олинган маълумотларга кўра, юқорида номи зикр этилган аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган кишилар орасида қурбонлар бор, маҳаллий маъмурият вакилларидан бир неча киши гаровга олинган. Боткент район марказига 250 га яқин киши қочиб ўтган.

Қирғизистон ва Ўзбекистон қуролли кучлари жангариларнинг бундан буёнги ҳаракатларининг олдини олиш ва уларни Қирғизистон ҳудудидан сиқиб чиқариш бўйича ҳамкорликда тадбирлар ўтказмоқдалар.

Маълумотларга кўра, Тожикистон ҳудудидан жангариларга қўшимча қуролланган кучлар жўнатилаётгани сабабли Тожикистондан Қирғизистоннинг Зардоли аҳоли пунктига ўтиш имконини берувчи тоғ йўллари портлатилган, айни пайтда у ердаги манзилларни Қирғизистоннинг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари назорат этмоқда.

* * *

Жиноятчи тўдалар солаётган таҳдид ва хавф-хатарга ўз вақтида чек қўйилмаса, эртанги кунда воқеалар ривожи Доғистон ва Чеченистон чегарасида бўлаётган можаролар каби тус олиши эҳтимолдан холи эмас.

Қардош Қирғизистоннинг Ўзбекистонга чегарадош ҳудудларида юз бераётган воқеалар бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан биз халқимизни, жамоатчилигимизни ҳушёрлик ва сергакликка чақирамиз.

Ўзбекистон раҳбарияти топшириғига биноан чегара қўшинлари ва тегишли ҳарбий кучлар тарафидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 24 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	84,72
1 Австрия шиллинги	10,31
1 Англия фунт стерлинги	215,27
10 Бельгия франки	35,16
1 Голландия гульдени	64,36
10 Греция драхмаси	4,34
1 Дания кронаси	19,08
1 БАА дирхами	36,22
1 АҚШ доллари	133,04
1 Миср фунти	39,01
10 Испания песети	8,52
100 Италия лираси	7,32
1 Канада доллари	89,02
1 Хитой юани	16,07
10 Люксембург франки	35,16
1 Малайзия ринггити	35,01
1 Германия маркаси	72,51
1 Польша злотийси	33,65
1 СДР	182,53
1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	23,85
1 Франция франки	21,62
1 Швейцария франки	88,84
1 ЕВРО	141,82
10 Жанубий Корея вони	1,11
10 Япония иенаси	11,93
1 Россия рубли	5,41
1 Украина гривнаси	30,24

*)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Навоий вилояти: Мустақиллик манзаралари









Таълим, ислоҳот, кадрлар

Халқ учун муҳими мактабдир

Халқ таълими соҳасида ислоҳотлар қандай олиб борилмоқда? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашдик.

— «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни тўлақонли амалга оширишда энг муҳим омил нима?

— «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талабларига биноан таълим соҳасидаги ислоҳотларни, ундан кўзланган мақсадни амалга оширишда қуйидаги омиллар асос сифатида танлаб олинган.

Биринчидан, мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамият шаклида намоён бўлиб бормоқдаки, таълим-тарбия ишлари ҳам шу талаблар асосида қурилаяпти. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур давлат стандартлари жорий этилишида миллий кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа ўқув-методик адабиётларни янги мазмун билан бойитиш, ташкилий-бошқарув фаолиятини демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ўзгартириш ва бошқа янги мазмундаги таълим-тарбия ишларини ташкил этишга имкон яратилади.

Иккинчидан, иқтисодиётимизда тубдан янгиланиш, аввалги «хомашё етиштириб берувчи мустамлака давлат»дан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи давлатга ўтаяпмиз. Шу сабабли умумтаълим муассасаларида иқтисодий билим беришга эътибор кучайтирилди. Шу мақсадда I-VII синфларда «Иқтисод алифбоси» ва «Иқтисод сабоқлари» ўқув материаллари фанлар таркибида, VIII-IX синфларда эса «Иқтисодий билим асослари» фани ўқитилмоқда.

Учинчидан, мамлакатимиз раҳбариятининг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий сиёсатида шахс манфаати ва таълим энг устувор ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги давомида «Таълим тўғрисида»ги Қонун икки маротаба қабул қилинди. 1992 йили қабул қилинган Қонун асосида қатор ижобий ишлар олиб борилишига қарамай, собиқ иттифоқдан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қараш ва сарқитлардан тўлиқ қутила олинмади. 1997 йил қабул қилинган Қонунда эса кадрлар тайёрлашнинг миллий модели яратилди ва «шахс — кадрлар тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси» қилиб белгиланди. Миллий моделнинг «Давлат ва жамият», «Узлуксиз таълим», «Фан», «Ишлаб чиқариш» каби таркибий қисмлари ҳам узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади. Шахснинг билим олиши, ўз қобилият ва имкониятларини намоён этиши ва шакллантира олиши учун қатор ташкилий-услубий ишлар олиб борилаяпти.

Янги шахсни камол топтиришга қаратилган 23 умумтаълим ўқув дастурлари асосида давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва тажрибадан ўтказилди. Бу каби тажриба-синов ишлари мамлакатимизнинг 300 дан ортиқ таълим муассасаларида ҳам амалга оширилди. Шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлайдиган филология, ижтимоий, математик, табиий, маънавият ва бадиий қобилиятни ривожлантирувчи бу ўқув дастурлари 1999-2000 ўқув йилидан жорий этилади.

Тўртинчидан, халқимизда миллий ўзликни англаш ҳисси тобора ўсиб боряпти, фарзандларимизда ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғуси шаклланяпти, улар руҳиятида миллий-маданий анъаналаримизга ҳурмат билан қараш такомиллашиб боряпти.

Мустақиллик йилларида АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Голландия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда таҳсил олган 2000 га яқин ўқувчи, 400 дан ортиқ ўқитувчи хорижлик педагоглар ва тенгқурлари ҳурматига сазовор бўлди.

Мактабларимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш, бу соҳадаги ишларнинг изчиллигини таъминлаш, ўқувчиларда Ватан туйғуси, маънавий ва мантиқий тафаккурларини шакллантириш мақсадида I-IV синфларда «Одобнома», Жисмоний тарбия фани таркибида эса «Ўзбекистон ифтихорлари» махсус курсларини ўқитиш кўзда тутилди.

V-IX синфларда одоб-ахлоқ ва маънавият асослари бўйича яратилган қўлланма ҳамда китоблардан фойдаланиб, V-VI синфларда «Ватан туйғуси», VII-IX синфларда «Маънавият асослари» ўқув предмети сифатида ўқитилади. Мазкур фанларда фарзандларимизни миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга асосий эътибор қаратилади.

Бешинчидан, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига, интеграциясига кутилгандан ортиқ даражада жадал суратда кириб бормоқда, республикамизнинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътибори мустаҳкамланиб боряпти. Ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг, жумладан АҚШнинг Тинчлик корпуси, Таълим ва тил ўрганиш ташкилоти (АКСЕЛС), Германиянинг Гёте институти ва бошқа хорижий мутахассислар чет элда таълим олаётган минглаб ёшларимиз ва ватанимизда таҳсил кўраётган ўқувчиларимизнинг фан асосларини хориждаги тенгдошларидан қолишмаган даражада эгаллаганлиги, халқаро мусобақаларда юқори ўринларни олишаётганини ижобий эътироф этишмоқда. 4 йил давомида 36 нафар ўқувчи хорижий давлатларда ўтказилган халқаро фан мусобақаларида иштирок этиб юқори ўринларни эгаллади. Демак, маорифчиларимиз «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган омиллар асосида изчил ишларни амалга ошириб бормоқда.

— Президентимиз «Биз ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмадик. Мактабларни битириб чиққан айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ» деган эдилар. Бу муаммони ҳал қилиш учун биринчи навбатда нималарга эътибор бериш керак?

— Инсонга хос муаммоларнинг деярли барчасини — унинг тафаккурини, фикрлаш тарзини тўғри тарбиялаш орқалигина ҳал қилиш мумкин. Инсоннинг комилликка эришиши, ўзлигини англаши мустақил фикрлашдан бошланади.

Ўша собиқ иттифоқ даврида барча маънавий-маърифий ишлар мустамлака халқларнинг қарашларини бир қолипда сақлаш, бир ғояга бўйсундиришга, қўпол қилиб айтганда уларни «манқурт»га айлантиришга қаратилган эди. Ўрта маълумотлар у ёқда турсин, олий маълумотли кадрлар ҳам «марказ» фикридан мустақил тарзда четга чиқа олмаганлар.

Мана, мустақилликка эришдик, таълимимизда ҳам ислоҳотлар бошланди, давом этмоқда. Хўш, ўша даврнинг сарқитларидан бутунлай ҳоли бўлиш, ҳаётга қадам қўяётган ёшларни мустақил фикрлай оладиган, комил инсон сифатида тарбиялаш учун нима қилиш лозим?

Агар масалага илмий-педагогик нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, биринчи навбатда дарс жараёнида ўқувчи-ўқитувчи ҳамкорлигини тўғри, оқилона ташкил этишимиз ва бунда ўқувчини асосий ҳаракатлантирувчи кучга айлантиришимиз керак. Ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш ўқувчи зиммасига ўтиши ва ўқитувчи ўқитишдан — ўқишни ўргатишга ўтиши, билим беришдан — билимни мустақил олишга ўргатиши зарур. Ўқитувчи ўқувчини ўқишига муҳит яратади, йўналтиради, уни ўқиш техникасига, ўқиган матн доирасида баҳс юритишга ўргатиши, ўқув жараёнига шу кун воқеалари, ҳаётий жараённи олиб кириш малакасини, кўникмасини ҳосил қилади. Шундагина ўқувчиларда мустақил мутолаа қилиш, манбалардан фойдалана билиш кўникмалари шаклланади. Ҳамда ўқув меҳнатига ўқувчининг масъулияти, бурчи ошади. Мустақил билим олишдан — мустақил тасаввурга эга бўлишга — ундан мустақил фикрлашга ўрганиб борадилар. Боланинг талаби, истак-хоҳиши унинг тайёргарлиги даражасида қондирилади ва ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилади. Бугунги кунда фаолиятимизнинг бош йўналишларидан бири ҳам юқорида баён қилинган иш шакллари ва услублари орқали ўқувчиларни мустақил фикрлаш, ўз фикри, ўз тафаккури бўлишини таъминлашга қаратилган.

— «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганига 2 йил бўлди. Халқ таълими истиқболи учун катта аҳамиятга эга бўлган мазкур Қонуннинг ҳаётга тадбиқ этилиши сизни қониқтирадими?

— Шу йилнинг 29 августида «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганига 2 йил тўлади. Шу давр ичида биринчидан, Қонуннинг моҳияти, ундан кўзланган мақсад ҳақида ўқувчилар, ота-оналар, жамоалар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

Иккинчидан, янги умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом, фанлар ва тарбиявий ишлар бўйича концепциялар, дастурлар, таълим стандартлари, ўқув режалар, маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар янги Қонун талабларига мослаштирилди. Узлуксиз таълим тизими қайта ташкил этилди, болаларни мактабга тайёрлаш ишлари тубдан яхшиланди. Ҳозирда мутахассислар болаларни мактабга тайёрлаш дастури асосида иш олиб боряптилар. Болаларни мактабга тайёрлаш алоҳида марказларда, болалар боғчаларида, мактабларда, маҳалла гузарларида ташкил қилиниб, ҳар йили 150-160 минг нафар бола мактабга тайёрлаб бориляпти. Кейинги 2 йил ичида болалар боғчаларига 146 синф комплектига замонавий компьютерлар ўрнатилди, 30 мингдан ортиқ бола болалар боғчаларида ташкил қилинган мингдан ортиқ хорижий тилларни ўргатадиган гуруҳларга жалб этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил май ойида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўқув режалари, дастурлари тубдан ўзгаради. 9 йиллик таълим дастурлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига мослаштирилиши керак.

Шу мақсадда олимлар, амалиётчи мутахассислар, ўқитувчилар ва методистлар ҳаракатлари бирлаштирилиб, 300 дан ортиқ тажриба майдонлари белгиланди ва уларнинг илмий-амалий хулосалари Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Яратилган дастурлар асосида дарсликлар тайёрлаш бўйича муаллифлар иш олиб боришмоқда. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими яратилди ва у ҳам 1999-2000 ўқув йилидан тажриба сифатида синаб кўрилади. Мактаб битирувчиларининг якуний аттестациясини компьютер ёрдамида тест асосида амалга ошириш, таълим амалиётини таҳлил қилиш, таълим муассасаларида маркетинг тизимини жорий этиш, таълимни ахборот технологиялари билан жиҳозлаш, педагогик кадрлар сифат таркибини яхшилаш, уларнинг ўқув-тарбия ишлари самарадорлигини оширишга эътибор кучайтирилиб борилмоқда. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ишлари такомиллаштирилди.

Лекин, таълим мазмунини такомиллаштириш борасида қатор ижобий ишлар олиб борилишига қарамай, унинг моддий техника базасини яхшилаш, авария ҳолидаги ва мослаштирилган биноларни тугатиш, ўқув-амалий машғулотлар учун мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариш корхоналари тизимини барпо этишда қатор долзарб масалалар мавжуд. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 453-сонли қарорига мувофиқ идоралар тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари халқ таълими тизимига етарли шароитлар яратилган ҳолда ўтказилиши керак эди, лекин ўтказилган болалар боғчаларининг ташкилот ва муассасалар томонидан маблағ билан таъминланмаганлиги, капитал таъмирлаб берилмаганлигидан 2000 га яқин боғча ишламай турибди.

Таълим муассасаларини 1999 йилда қуриб фойдаланишга топширишда, уларни капитал таъмирлашда оқсоқликлар юзага келди. Аниқроғи, таълим муассасаларини капитал қуриш ва таъмирлаш бўйича ярим йиллик режалар бажарилмай қолди. Бу масала ҳокимликлар билан жиддий таҳлил қилингач, бир қатор чоралар кўрилди. Мазкур масалани йўналтирувчи махсус ишчи гуруҳи тузилди. Ҳозирда бой берилган имкониятлар сарҳисоб қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича режалар белгиланди ва июнь-июль ойларида ишлар жадаллаштирилди ҳамда 1999 йилнинг ноябрь ойидан кечиктирмасдан режани ҳисобдалаш тадбирлари кўрилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири Фарруҳ ҲАМРОЕВ суҳбатлашди.

Мен ХДПнинг онгли аъзосиман!

— дейди ғурур билан «Сурхондарё почтаси» давлат ҳиссадорлик жамияти раиси Нормаҳмат Муҳаммадиев

Нормаҳмат Муҳаммадиев уч йилдирки «Сурхондарё почтаси» давлат акциядорлик жамияти раҳбари сифатида фаолият юритмоқда. Унга қадар мазкур тизимнинг турфа хил масъулиятли вазифаларини адо этди. Қатъиятлилиги, ишбилармонлиги туфайли анча оқсоқ соҳага айланиб улгурган почта-алоқа тизимини оёққа турғизди.

— Мен сиёсий партиялар ичида нуфузи юксак бўлган Халқ демократик партиясининг аъзоси эканлигимдан ҳақли равишда фахрланаман, — дейди у. — Унинг сафи покдомон, диёнатли, ўз ғояси учун курашувчан иродали одамлар ҳисобига кенгайиши тарафдориман...

— Яширмоқнинг ҳожати йўқ, фақат партбилетгагина эга бўлган, амалда эса ҳеч бир ижобий иш қилмаётган кишилар ҳам учраб туради? — дея суҳбатдошимга луқма ташлайман.

— Фикримча, аъзолар сонини сунъий равишда кўпайтириш яхши эмас. ХДП бошланғич партия ташкилотимизга аъзоликка қабул қилишларини сўраб ариза бераётган ҳар бир номзоднинг шахсини, билим-савияси-ю, оиласида ва маҳалласида тутган ўрнини синчиклаб суриштирамиз. Юқорида айтганимдек бизнинг сафимизга бирор кишининг тасодифан, адашиб киришларига йўл қўймаймиз...

Дарҳақиқат, Н. Муҳаммадиев ўзи бош бўлган бир минг олтмиш беш кишилик йирик жамоанинг ташаббускор, адолатли раҳбари сифатида ҳам, Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгашининг аъзоси сифатида ҳам ибрат олса, ўрганса арзигулик хайрли ишларни амалга ошираяпти. Сўнгги икки-уч йилда «Сурхондарё почтаси» давлат акциядорлик жамиятининг мавқеи анча ошди. Аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари кўпайди ва сифати юксалди. «Инсон манфаатлари йили» деб аталган 1997 йилда аҳолини вақтли матбуот нашрларига обуна қилиш бўйича республикада биринчи ўринни эгаллади. Айниқса, обуначиларга тегишли нашрларни кечиктирмай етказиб бериш қаттиқ назорат қилинадиган бўлди. Шу боис мустақил турли матбуот нашрларига ихтиёрий равишда обуна бўлувчилар сони кескин ўсди. 1996 йилга қадар почта-алоқа тизимининг деярли кўзга ташланадиган транспорти йўқ эди. Нормаҳмат елиб-югуриб 15 дона транспорт (асосан «Дамас» автомашиналари) олиб келиб, барча туман ва шаҳар почта-алоқа бўлимлари ихтиёрларига топширди. Шунингдек, бўлимларга 11 та компьютер, 15 дона электрон тарози олиб берилди. Бир пайтлар оқсаб қолган соҳа изга туширилиб, умумий йиллик даромад 2-3 баробарга оширилди. Нормаҳмат ака халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати сифатида ҳам сайловчиларнинг талабистаклари, орзу ва умидларидан ҳамиша хабардор. Ўзи сайланган ҳудудда радио нуқталарнинг бекаму-кўст ишлашини назорат қилиб бо-

ради. Ўнлаб ночор, моддий кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини суннат қилдириб, тўйларини ўтказиб берди. Жамоасида асосан ёшлар меҳнат қилаётганлигини ҳисобга олиб, спорт иншоотлари (теннис корти, футбол, баскетбол майдончалари) бунёд эттирди.

— Ўтган йилнинг кузида сайловчиларим ҳисоботимни тинглашиб, мендан мамнун эканлигини айтишганида, очиғи ҳаяжондан кўзларим намланди. Айтиш ўнғайсиз бўлса ҳам, шаҳримиздаги «Ногиронлар» уюшмасига 20 дона ногиронлар аравачаси ҳадя этгандик. Ишонасизми, одам баъзан эътирофу ташаккурларнинг самимийлигига шубҳаланиши мумкин. Агар бу мақтовлар оддий халқ вакиллари томонидан билдирилмаса... Минг шукрки, арзимас кўмакларимиздан кўнгли ўсган одамлар жамоамиз аҳлини алқаб, дуо қилишаяпти.

Ҳа, амал ҳам, мартаба ҳам ўткинчи. Шоир айтганидек, «Биродар, йигитлик баҳордир, жуда тез ўтгай». Инсон боласи қартайганида, амал курсисидан тушганида ўз қавмининг олдига, оддий одамлар даврасига юзи қизармай бора олса, фоний дунёдан виждони, иймони қийналмай ўтолса, бизнингча энг олий бахтнинг ўзи шу. Нормаҳмат Муҳаммадиев ҳам ана шундай олий орзулар билан яшаяпти.

Нормаҳмат Собировичнинг сўнгги йилларда маънавият ва маърифат соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Айниқса, матбуотга жуда эътиборли ва жонкуяр одам. Эҳтимол, шу боисдан ҳам «Сурхондарё почтаси»нинг ўз нашри «Жануб вақти» газетаси қисқа вақт ичида ўқувчиларини топди. Очиғи, республикамизнинг бирорта бошқа вилоятидаги почта ва алоқа ходимлари мустақил газетасига эга эмас. Аммо унинг ташаббуси билан ана шундай қутлуғ ишга қўл урилди.

— Бугунги кунда ҳар бир раҳбар, мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир кишиси матбуот нашрларини ўқиб бориши зарур. Ахборотдан орқада қолмаслик, маънавий озуқани ҳар куни олиб туришда матбуотнинг баҳоси беқиёс. Энг севиб ўқийдиган нашрларим «Ўзбекистон овози», «Хабар», «Ҳуррият» каби газеталар. Уларнинг ўқувчилари Сурхондарёда йилдан-йил ошиб бораяпти.

Ватанимизни дунё таниди. Ўзбек деган номни бутун жумлаи жаҳон билади. Бу бир бахт. Истиқлол, мустақиллик берган неъматдан ширин мева йўқдир.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Қайноқ сафларда

Отам ҳақ бўлган

Шаҳидлар хотираси

Сабр иймондандир, дейишади. Иймонли инсон эса табиийки, инсофли, диёнатли, эътиқодли, қоларса, адолатпеша бўлади. Муҳаммад Ҳасанов ҳам ана шундай чин инсонлардан бўлган. У ҳамиша виждони буюрган ишларга қўл урар, ҳақиқат учун курашар, адолатнинг бузилишига тоқат қилолмасди. Шу боисдан у дастлабки қатағон йилларининг «найранг»ларига тоқат қилолмади. Тўғрироғи, қуруқ туҳмат билан ҳибсга олиниб, «халқ душмани» дея таҳқирлаётган олаётган юртдошлари, зиёлиларнинг совурилишига қарши турди. У ҳамиша адолат нури эртами-кечми сўзсиз адоват ва туҳмат тошларини эритишига ишонарди. Шунинг учун ҳам маслакдошлари, дўстлари Акмал Икромов, Абдулла Қодирий, Қосим Сорокин, Аъзам Аюб, Зиё Саид, Чўлпон ва Усмон Носирлар билан ҳамнафас бўлди.

Муҳаммад ўз даврининг ҳассос қаламкаш журналисти сифатида танилган. У ўз чиқишлари билан 20-йиллардаёқ эл назарига тушган. Тинмай изланиш ўз самарасини берди. У «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон» газеталари, «Муштум» журналига бош муҳаррирлик қилган. Ярославль шаҳар газетасида муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатиши ҳам унинг қобилиятидан нишона. У теран фикр юритар, газеталарда босилиши лозим бўлган мақолаларнинг холислигига эътибор қилар, айниқса «халқ душманлари», «буржуа миллатчилари» ҳақидаги уйдирмаларнинг олдини олишга интиларди. Сўзсиз унинг бундай қарашлари ўз даври «сиёсатдонлари»га маъқул келмасди.

«Правда» газетасида ўзбек матбуоти қораланган танқидий мақола Муҳаммаднинг тақдирини ҳал қилди. «Буржуа миллатчиларининг раҳнамо ва хайрихоҳлари» сарлавҳали бу чиқишда матбуотимизнинг ажойиб намоёндалари Абдулла Қодирий, Аъзам Аюб, Зиё Саид, Қурбон Берегин, Мўминжон Усмоновлар «халқ душманлари» деб қораланган. Муҳаммад Ҳасан эса уларнинг ҳомийси сифатида айбланган. Бу даврда Муҳаммад дам олишда эди. Ўша нохуш танқидий мақолани ўқигач, зудлик билан орқасига қайтади. У, Қодирий ҳақида «Ўзбекистонда ҳикоя ва роман яратишда умидли бир қалам чиқди» деганим, Усмон Носирни «Ўзбекистонимизнинг Пушкини» деб таърифлаганим шунчалар гуноҳ бўлса, деб ўйларди.

Албатта, у даврларда истеъдодларни йўқ қилиш учун арзимас баҳона қатағонга сабаб бўлаверарди. Муҳаммад ҳам ана шундай туҳматга учраб қолган. Тошкентга келгач, уч кундан кейин, тўғрироғи, 1937 йил 27 сентябрга ўтар кечаси оиласи ва болалари қий-чуви остида занжирбанд қилинди. Шифохонада ётган рафиқаси Роҳила бир неча бор умр йўлдошини кўришга орзуманд бўлди. Дарвоза ортидаги соқчининг: «Кутиб овора бўлманг, учрашолмайсиз» деган дағдағаси умидларини пучга чиқарди. Қатағоннинг азоб-уқубатлари қанчалар эканини таърифлаш қийин. Ўша даврда ана шундай қийинчиликларни бошдан кечирган собиқ иттифоқ комсомол қўмитаси МК котиби М. Мелчаковнинг эсдаликларини келтиришни жоиз деб биламиз: «Мешчук деган терговчи мени масхара қилиб шундай деган: «Ёш бўлсанг ҳам сен ва сен кабиларнинг даври ўтди, куни битди. Сизлар бир чақалик фойдаси йўқ Совет ва партия демократиясига, ўзўзини танқидга ёпишиб олгансизлар. Буларнинг кимга кераги бор? Вазият, муҳит ўзгариб кетганини тушуниш керак. Сталин даври келди... Биламан, сен ҳам ҳеч қандай гуноҳ қилмагансан. Аммо, сени гумдон этмоқ керак...»»

Муҳаммаднинг оила аъзолари узоқ йиллар ундан хат-хабар кутишди. Катта қизи Аиданинг хотирлашича, онаси умрининг охиригача (1992 йил) Муҳаммаднинг йўлига умидвор бўлган. «Отамизнинг қаерда, қачон ва қандай қилиб дунёдан кўз юмганини билолмаймиз, — дейди Аида. Зеро, волидамизнинг илтимосини бажо келтириб, Оқтепа қабристонидаги онамиз қабри ёнига отамизга ёдгорлик тоши ўрнатдик. Синглим Нейля эса машъум воқеа содир бўлганида бор-йўғи икки ёшда эди. У отамизни кўрмаган, аммо ҳамиша падаримиз сиймосига тикилгани-тикилган».

Шу ўринда Муҳаммад Ҳасановнинг қўшниси бўлиб истиқомат қилган таниқли рассом Владимир Қайдаловнинг хотираси ҳам диққатга сазовор. Гап шундаки, мўйқалам устаси Муҳаммад билан бир камерага тушган экан: «Отангиз билан авахтада бир хонада ўтказган уч кечаю уч кундузни умрбод унутмайман. Аввало унинг иродаси мени ҳайратга солди. Маҳбуслар руҳи синиб, дил хасталикдан йиғи-сиғи қилишарди. Муҳаммад эса ҳаммамизни кўнглимизни кўтаришга уринарди. Нима учундир бу воқеаларни англашмовчиликка йўйишга интиларди. Бетиним сўроқлардан қайтгач: буни қаранг, бирга ишлаган ҳамдард, ҳамғоя кишилар гарданига асоссиз айблар юкланган қоғозларга қўл қўйишга мажбур этмоқчи бўлишади-я, деб ғазабланарди. У очлик эълон қилди. Учинчи кун оқшомда эса «Ҳасанов буюмларингни олиб чиқ», деб буйруқ қилишди. Кейин нима бўлганини билмайман». Ҳа, адолатсизлик ва ноҳақлик қурбони Муҳаммад Ҳасан ҳаёт бўлганида бугунги истиқлол нафасидан энтикиб нафас олган бўларди.

Ҳайдар НОСИРОВ

105 ёшли Анора ая Раҳимова 58 ёшли келини Ойсара Ғозиева билан мустақиллик берган имкониятлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Абдурасул ПАРДА олган сурат

Чиллаки чиллакини кўриб...

... Ҳайдовчи фургонли «Москвич»нинг юкхонасини Санобар Машарипованинг ҳовлисига тўғрилади. Сўнг машинадаги эллик литр ҳажмли тўртта елим бочкани ерга туширди.

— Борми? —сўради ичкарида қораси кўринган аёлга юзланиб.

— Бемалол, — деди аёл бепарвогина.

Ҳайдовчи елим бочкаларни кўтариб ичкарига кирди. Ҳовлининг бир чеккасида дўппайиб турган цистерна унга яхши таниш. Цистерна бензинга доимо тўла бўлади. Санобар опанинг туркманистонлик гумаштаси контрабанда йўли билан бензин етказиб бериб туради. Юк машинасига ўрнатиб олган хуфя бакларга бир тонна бензин бемалол сиғади. Бензини тўғри олиб келиб ҳовлидаги цистернага ағдаради-да Санобар опадан пулини олиб кетаверади. Кейин опа уни майдалаб устама нархда мижозларига пуллайверади.

Ўша куни бензин савдоси устига солиқчилар келиб қолишди. Бензинфўруш Санобар Машарипова Қўшкўпир туманидаги О. Қурбонов номли жамоа хўжалигида отнинг қашқасидек маълум экан. Шу боисдан унинг хонадонини топиш қийин бўлмади. Текширув давомида цистернадаги 1300 литр бензин далилий ашё сифатида олинди. Нарироқда яна ҳам катта ҳажмли бўш цистерна ерга кўмиб қўйилган эди. Бу ҳолатлар бўйича дарҳол баённомалар тузилиб, суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

Чиллаки-чиллакини кўриб чумак уради, деганларича бор экан. Хўжайли туманидаги «Ҳатеп» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Марат Бисенгалиев ҳам Санобар Машарипованинг «изи»дан бориб ён атрофдагиларга танилиб қолган экан. Илгари уйида конистирлаб бензин сотган бўлса энди цистерналаб сотишни йўлга қўйиб юборибди, шоввоз.

Солиқчилар кириб келишганида ҳовлининг бир чеккасига кўмилган икки цистерна бензинга лиқ тўла эди. Кейин уни ўлчашганида 10 тонна-ю 95 литр чиқди. Тўпланган материаллар қонуний чора кўриш учун дарҳол туман прокуратурасига юборилди.

Уч-тўрт кун олдин қўшни «Дўстлик» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Сапаринбой Тагиевнинг хонадонидан сотишга шай қилиб қўйилган 600 литр бензин чиққанида ҳам анча шов-шув бўлган эди. Солиқчилар унга 6600 сўм жарима солиб тадбиркорликнинг таъқиқланган турлари билан шуғулланиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтирганларидан сўнг қонунбузарликлар нисбатан камайгандек бўлди.

Лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек айрим бензинфурушларнинг тавба қилиши қийин бўлаяпти. Яқинда Хўжайли шаҳри фуқароси Юсуфбой Аллақулов ғамлаб қўйган бензиннинг 130 литрини сотаётган пайтда қўлга тушди. Энди бу қилмиши учун 6600 сўм жарима тўлайди.

Туркманистондан ноқонуний йўллар билан бензин олиб келиб сотаётган Худойберди Сотиболдиев ҳам 800 литр бензин билан ушланди. Қалтис қадам қўйиб ҳам бензиндан айрилди, ҳам 6600 сўм жарима тўлайдиган бўлди. Унинг одамлар юзига қарай олмай бўйин қисиб юриши шундан.

Ўтказилаётган рейдлар давомида солиқчилар янги-янги бензинфурушларга дуч келмоқдалар. Шундай тадбирдан бирида Хўжайли шаҳар Бердақ кўча 48-уйнинг 2-хонадонида истиқомат қилувчи Кенесбой Аяпов юрак ютиб, беш конистр бензини ошхонада сақлаётгани маълум бўлди. Болалар ўйин қилиб гугурт чертиб юборишса борми, кўпқаватли уйнинг бир зумда аланга ичида қолиши турган гап эди. Яхшиям солиқчилар ноқонуний савдога чек қўйиб, конистрларни далилий ашё сифатида олиб қўйишди. Қонунбузар «тадбиркорлар» устидан тузилган ҳужжатлар ўша куниёқ шаҳар судига юборилди. Теварак атрофга ёнғин хавфини солиб бензинфурушлик қилаётган Кенесбой энди жазосиз қолмайди.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

«Фан — спортга»

«Узоқ йиллик орзу-ниятимиз бўлган, миллий спортимиз равнақининг кўзгуси, янги чемпионлар камолотининг жарчиси, соғлом авлод учун хизмат қилишга бел боғлаган «Фан — спортга» журналининг илк сони дунё юзини кўриб, сизнинг ҳузурингизга йўл олди». — дейилади. «Фан — спортга» журналининг биринчи «Юзма-юз» мақоласида.

Журнал саҳифаларида спортга оид ранг-баранг суратлар, безаклар ва мақолаларни кўрган, ўқиган кишининг дили қувонади. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситовнинг «Баркамол авлод ҳақида ғамхўрлик» мақоласида юртимизда бугунги кунда спортга, баркамол авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик, қадимдан Турон ўлкасида аждодларимизнинг паҳлавонлик ва билимдонлик бобида ном қозонганини, Ватаннинг фидойи қаҳрамонларига айлангани таъкидланади. Энди, биз яни ёш авлодлар ҳам ана шу марраларни забт этишимиз кераклиги ҳақида гапирилади.

Журналда спорт машқлари ва жисмоний тарбия услубларини ўргатиш, улардан амалда фойдаланишга оид таклифлар ҳам ўрин олган. Аспирант Наила Якубованинг «Ноанъанавий машқлар маҳорати», Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия иниститутининг докторанти Ўрол Ўтеновнинг «Гавданинг фазодаги ҳолатини баҳолаш қобилиятини шакллантириш» каби мулоҳазаларида ана шу мавзулар ёритилган. «Олий ниятлар калити», «Соғлом турмуш тарзи ва жисмоний тарбия», «Олимпия резервларидан олимпия медалларига» каби мақолаларда спортимизнинг — кеча, бугун, эртага қилиниши керак бўлган, қилинаётган ишлари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Холида Туленованинг «Умид ғунчалари камол топадиган даргоҳ» мақоласида Юнусобод туманидаги «Қалдирғоч» болалар боғчасида амалга оширилаётган ноанъанавий машғулотлар ҳақида ёзилади. «Катта синовларга йўлланма», «Футболнинг жаҳоний усуллари» мақолаларида эса тавсиялар берилган. Журнал охиридаги «Халқ ўйинлари тарихимиз демак» мақоласида алифбе, чиллак, арғимчоқ, варрак ўйинлари ҳақида сўз юритилган.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Фойдали битим

Туркманистон ҳукумати Транскаспий газ қувурини ўтказиш бўйича учта битимни имзолади. Ушбу битимлар лойиҳа ижодкорлари — газ қувурини ўтказувчи «Пи-эс-жи» ва «Роял датч шелл» билан шерикликни кўзда тутади. Ҳужжатлар шунингдек, Туркманистон ҳудудида газ қувурини ётқизишга тижорий ва ҳуқуқий асос солади. Бундан ташқари, ушбу лойиҳа бўйича Туркманистон, Озарбойжон, Грузия ва Туркия ҳукуматлари ҳамда «Пи-эс-жи» ва «Роял датч шелл» компаниялари иштирокида ўтказиладиган музокараларнинг янги босқичига йўл очади.

Конвенцияга аъзо бўлди

Қозоғистон қуролсизланиш бўйича Женева конвенциясининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган хабарга кўра, Женева конвенциясига бу давлатнинг аъзо этилиши «Қозоғистоннинг ялпи қуролсизланиш бўйича қўшган ҳиссасининг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинганидан, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тамойилларининг мустаҳкамланаётганидан, умумий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда қизғин фаолият олиб бораётганидан» далолат беради.

Қўриқлаш кучайтирилади

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов мамлакатнинг тегишли тузилмаларига россиялик чегарачилар билан биргаликда МДҲ чегарасининг бир қисми ҳисобланган тожик-афғон чегарасида қўриқлашни кучайтириш учун қўшимча чора-тадбирлар белгилашни топширди. Афғонистон шимолида вазиятнинг кескинлашуви ушбу чораларни кўришни тақозо этди. И. Раҳмонов афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш имкинлигига ишонч билдириб, БМТ Хавфсизлик кенгаши ва «6+2» халқаро гуруҳи иштирокчи-давлатларини афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этишни тезлаштириш юзасидан шошилинч чоралар кўришга чақирди.

Вақтида тўланганги маъқул

Бишкек аҳолиси яна «зангори олов»сиз қолиши мумкин. Ўзбекистондан келтириладиган газни етказиб берувчи Қозоғистоннинг «Интергаз» компанияси Қирғизистон ҳукумати 1997 йилда қарз бўлиб қолган 2 миллион АҚШ долларини тўлама-са газ етказиб беришни тўхтатиш тўғрисида Қирғизистонни огоҳлантирди. Қирғизистон бош вазири Омонгелди Муралиевнинг хабар беришича, ушбу қарзлар хўжалик юритувчи субъектга, яъни «Қирғизгазмунайзат» акциядорлик жамиятига тегишлидир. Ва бунинг ҳозирги ҳукуматга мутлақо алоқаси йўқ. Шу билан бирга бош вазир «Ҳозирда айрим хўжалик юритувчи субъектлар устидан назорат йўқолган натижасида пайдо бўлган қарзларни тўлаш учун ҳукумат маблағ излаётганини» таъкидлади.

Туркияда яна зилзила

22 август куни Туркиянинг ғарбида яна ер қимирлади. Зилзила марказида ер ости силкинишлари кучи Рихтер шкаласи бўйича беш баллга етди. Эслатиб ўтамизки, Туркияда 17 август куни бўлиб ўтган зилзила натижасида 12 минг киши ҳаётдан кўз юмди. Зарар кўрганлар сони 35 мингдан ошди. Шу билан бирга экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, вайрон бўлган биноларнинг остида яна 50 мингдан зиёд қурбонлар бор. Шунингдек, 120 минг жароҳат олган кишилар бўлиши мумкин. Зилзила юз берган туманларда юқумли касалликлар кўпайиш эҳтимоли бор. Масалан Ҳўжаэли (Измит) ва Ялова вилоятларида яширин равишда карантин эълон қилинди. Кўпгина палатали шаҳарлар атрофига дуст сепилган. Қутқарув ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Лекин матбуот соғлиқни сақлаш вазири Осмон Дурмушни кескин танқид остига олди. Чунки у доридармонлар ва врачлар унчалик зарур эмас, деб баёнот берган эди. «Оқшом» газетаси шифокорларнинг сўзларига таяниб вазирнинг бу сўзлари ҳақиқатга яқин эмас, деб ёзди. Айни пайтда шифокорлар ҳар қандай пайтдагидан кўра заруррок. Шифокорларнинг гапларига кўра вазир юқорида айтган сўзлари учун тезда истеъфога чиқиши зарур. Ўртаер денгизи қирғоқларидаги гўзал Анталья шаҳри аҳолиси электр энергияси узиб қўйилганидан сўнг, бутун тунни кўчаларда ўтказдилар.

«Туркистон пресс» ва хорижий манбалар асосида тайёрланди

«Гиннес»дан кўчирмалар

Европада энг қизиқувчан халқ испанлар экан. Улар турли автомат ўйинларга бир йилда ўртача 560 доллар сарфлашаркан. Бу бир ойлик иш ҳақидан сал кўп. Автомат ўйинларга бунчалик берилишнинг сабаби нимада, деган савол туғиладиган бўлса, ютуқнинг 14 миллион доллардан иборатлиги экан. Бундан ташқари ушбу ютуқдан ҳеч қанақа солиқ олинмайди. Социологларнинг таъкидлашларича, ҳақиқий испан бир йилда ўртача 365 марта автомат ўйин ўйнаркан.

* * *

Сан-франсисколик Крис Риггио ҳам ўзига хос рекордчилардан. У хом тухумни қошиқдан туширмай 45 километр масофагача олиб борган. Бунинг учун у 4 соат вақт сарфлаган холос. Нью-йорклик менеджер Ашрита Фурман эса марафонча югуриш бўйича масофани 3 соату 22 минутда босиб ўтган. Бу шунчаки югуриш эмасди. Ахир бошида сут тўла шиша ҳам бор эди-да.

Ҳурматли

Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Қўйтош қўрғони 4-ўрта мактабни битирган собиқ ўқувчилар

диққатига!

1999 йил *2 сентябрь (соат 9,00)* куни мактабнинг **60 йиллиги** юбилей тўйи ҳамда очиқ эшиклар куни ўтказилади. Ҳамма собиқ ўқувчилар таклиф этилади.

Марҳамат.

Ташкилий қўмита.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Алтинсарин номли 6-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Азат Игиликович Калжанов номига берилган АО № 018223 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошмахсуспардоз қурилиш» акционерлик жамияти 77-қурилиш бошқармасига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«БЎРОН»

акциядорлик жамияти

Мустақиллигимизнинг

8

йиллик байрами билан бутун Ўзбекистон халқини муборакбод этади. Иқтисодий ислоҳотларни оғишмай амалга оширишда, юртимиз фаровонлигини таъминлашда Оллоҳ барчамизга мададкор бўлсин!

Қорақалпоғистон Республикаси

«Бўрон» акциядорлик жамияти.

«Қорақалпоқдон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмаси Бош корхонаси

Улуғ айём – Истиқлолнинг саккиз йиллигини
Сизлар билан ёруғ кунларда нишонлаётганимиздан бахтиёрмиз.
Бош корхонамиз Истиқлол берган имкониятлар боис тезда қаддини тиклаб олди.
Ҳозирда энг сермаҳсул корхоналардан бирига айланган.
1999 – Аёллар йилида жамоамиздаги 115 нафар хотин-қиз астойдил меҳнат қилишиб, улкан зафарларни эгаллашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бугун ҳаммамиз аминмизки, Ватан мангу, истиқлол боқий.
Сиз азизларни Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги билан қутлаймиз!

Ватан Истиқлоли, эркини бутун,
Асрамоқ ишидир имони бутнинг.
Билинг, дастурхони тўкиндир бу кун
Олтин бошоқларга кўмилган юртнинг.

Нонинг увоғи ҳам нон эрур асли,
Топтаманг, нонли уй кўзга суртгулик.
Ватан. Сени бугун куйламоқ васфи,
Васлинг-чун жон-танни фидо этгулик.

«Янгийўлёғ-мой» акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини Истиқлол байрами билан табриклайди.

Мустақиллик туфайли Ватанимиз тобора гуллаб-яшнаб, маънавиятимиз юксалиб бормоқда. Бугунги кунда юртдошларимиз «Мустақиллик менга нима берди?» эмас, балки «Хўш, мен мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшдим?» деган саволни кўндаланг қўйишмоқда.

Корхонамизда ҳам шундай. Ишчи-ю хизматчиларимиз ишлаб чиқаришни янада тараққий эттиришга, маҳсулотларини яхшилашга интилмоқдалар. Ютуқлар эса яққол кўзга ташланмоқда. Шу йилнинг ўзида ёғни полиэтилен идишларга қуйиш цехини ишга туширдик.

Бу билан халқимизга кўплаб экологик тоза маҳсулот етказиб беряпмиз.

Ўзбекистон халқини байрам билан табриклар эканмиз, ҳар бир фуқарога тинчлик, омонлик, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Хонадонларидан қут-барака, дастурхонларидан тўкин-сочинлик аримасин!

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ.

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 21.50
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА